

HUQUQ

**Mustaqillik
huquq
demakdir**

№ 39 (200),

26-sentabr-2-oktabr

2001-yil

YURIDIK GAZETA



Хазонлар тўкилди дилнинг пойига...

УШБУ СОНДА:

**«МЕН ЯШАШНИ
ИСТАЙМАН!»**

БУ ГУЛНОРАНИНГ
ЭНГ СЎНГИ
СЎЗЛАРИ ЭДИ...

**5 -
бет**

Ғам билан кувонч доим ёнма-ён юради, дейишади. Бу гап айтилганича бор экан. Эртаси куни келган совуқ хабар кувончу шодлик барқ уриб турган хонадонни азахонага айлантирди.

**ДУНЁВИЙ 6-
МУАММО бет**

Афғонистон уламолар кенгаши ўтган ҳафта бўлиб ўтган фавқулодда йиғилишида дунёда биринчи террорчи номини олган Усама бен Ладенни мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишини талаб этди.

Моҳият

*Яхши одам ҳар куни
эътиқодини алмаш-
тирмайди. Эътиқод
ва иймон бир либос
эмаски, бугун буни-
сини ечиб ташлаб,
эртага янгисини
кийсанг.*

Ислом КАРИМОВ

ҲОСИЛ-2001

ТЕРИМЧИЛАР НЕГА ВАҚТИДА ПУЛ ОЛИШМАЯПТИ?

ЁКИ АЙРИМ ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ
КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА

Айни пайтда республикаимизда пахта йиғим-терим мавсуми қиз-гин давом этмоқда. Барча диққат-эътибор пахта ҳосилининг бир миқолини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қароридан кўзланган мақсад ҳам ана шу. Мазкур қарорда терим мавсумини муваффақиятли яқунлаш учун барча шароитларни яратиш, айниқса, теримчиларнинг иш ҳақларини ҳар беш кунда бериб бориш алоҳида таъкидланган. Хўш, қарорда қайд этилган бу талаблар жойларда қандай бажарилмоқда? Теримчиларнинг иш ҳақлари вақтида берилаяптими? Бу борада қандай муаммолар бор?

Ана шу саволларга ойдинлик киритиш ва юқоридаги қарор талаблари қай даражада ижро этилаётгани юзасидан Наманган вилоят прокуратураси идоралари томонидан текширишлар ўтказилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, вилоят «Пахтасаноат» бир-лашмаси тизимидаги пахта қабул қилиш корхоналарининг айрим раҳбарлари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, ширкат, жамоа, фермер хўжаликлари томонидан топширилаётган пахта хом ашёсини қабул қилиб олганлик тўғрисидаги ҳужжат кечиктириб расмийлаштирилмоқда. Бу пахта тайёрлаш тўғрисидаги маълумотларни камайтириб кўрсатиш ва теримчиларга иш ҳақларини вақтида етказиб бермаслик каби салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Мингбулоқ туманидаги «Наманган» ширкат хўжалиги томонидан «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи қошидаги пахта қабул қилиш пунктига топширилган пахта хом ашёсининг топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар 3-5 кунлаб кечиктириб расмийлаштирилган. Текшириш кунига қадар, яъни 17 сентябргача «Гулбоғ» пахта тозалаш заводи қошидаги қабул пунктига ҳақиқатан 515,0 тонна, Навоий номидаги пахта қабул қилиш пунктига 534,2 тонна, жами 1049,2 тонна пахта топширилган. Бу — «Наманган» ширкат хўжалиги пахта тайёрлаш йиллик режасининг 45,6 фоизини ташкил этади. Бироқ пахта тайёрлов бўлими иқтисодчиси Н.Холдоровдаги мавжуд маълумотларга кўра, хўжалик қабул пунктларига 1049,2 тонна эмас, балки 851 тонна пахта топширган, холос ва бу йиллик режанинг 36,9 фоизини ташкил этган. Хўш, орадаги бундай фарқнинг сабаби нима? Битта хўжаликнинг ўзига 101 тонна топширилган пахта ҳужжатлари вақтида расмийлаштирилмай қолинган бўлса, бу кўрсаткич Мингбулоқ туманида, умуман вилоят миқёсида қанча тоннани ташкил этади?!

Бу кўзбўямачилик ўз навбатида бошқа бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, пахта йиғим-теримида иштирок этаётган теримчи ва ҳашарчиларга иш ҳақлари вақтида берилмаяпти. Юқорида номи қайд этилган «Наманган» ширкат хўжалигида Наманган муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳи талабаларининг 10 сентябргача, яъни икки беш кунликда терган пахтасининг 2 миллион сўмга яқин иш ҳақи 18 сентябрга қадар берилмаган.

Бундай салбий ҳолатларга Норин туманида ҳам йўл қўйилмоқда. Туман хўжаликларида 11 сентябргача териб топширилган пахта учун тарқатилиши лозим бўлган 72,7 миллион сўм пулнинг 14,3 миллион сўми нақд пул йўқлиги баҳонасида 18 сентябрга қадар теримчиларга берилмаган.

Булардан ташқари, иш ҳақлари учун банклардан олинган нақд пулларни сақлаш тартиби бузилаётгани, ҳатто вилоятнинг қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудларида пахта хом ашёсини ноқонуний равишда бошқа республикаларга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари содир этилаётгани аниқланди. Масалан, шу кунга қадар Учкўрғон ва Уйчи туманлари божхона масканлари томонидан чиғитли пахтани Қирғизистон Республикасига ноқонуний равишда олиб ўтишга уринишга доир 32 ҳолат қайд этилди.

Хуллас, текшириш якунига кўра, қонунбузулишларни бартараф этиш ҳақида 12 та такдимнома киритилди. 39 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 34 минг сўмдан зиёд зарар айбдорлардан ихтиёрий равишда ўндирилди. Бир сўз билан айтганда, текшириш ўз самарасини берди.

Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган вилоят прокуратурасининг
умумий назорат бўлими бошлиғи.
Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Isomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar mas'ul belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aktsiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 1 - 2849
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.45

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

БОЗОРЛАР
ЮРТ КЎРКИ

Бозорлар юрт кўрки, маъмурчилик белгиси ҳисобланади. Айниқса, Шарқ бозорлари ҳусусида ҳар қанча таъриф келтирилса ҳам камлик қилади. Бозорларимизни айланган киши она заминимизнинг нақадар саховатли, ноз-неъматларга бой эканлигига таҳсин ўқийди.

Мустақиллик шарофати билан нафақат пойтахтимизда, балки энг чекка туманларда жойлашган бозорлар ҳам замонавий, миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мўҳасамлаштирган ҳолда янгича қиёфа касб этди. Сотувчилар учун ҳам, мижозлар учун ҳам барча қулайликлар яратилди. Бозорлар фаолиятини тартибга солишга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бундай шароитда эса хизмат кўрсатиш маданияти ўз-ўзидан юқори бўлиши табиий.

Республика прокуратураси томонидан бозорлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан Тошкент вилоятида назорат тартибда текширишлар ўтказилганида эса бозорлар фаолияти ҳали қатор нуқсонлардан холи эмаслиги аён бўлди.

Энг ачинарлиси, Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар ҳамда тегишли мансабдор шахслар бозорларда хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш ишларига панжа орасидан қараб келганлар. Натижада, аҳолини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва бошқа кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш, шартномалар тузиш бора-сида олдинга силжиш кузатилмаган.

Текширишларда аниқланишича, аксарият бозорларнинг молиявий фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Масалан, бозорлар маъмурияти билан ҳусусий тадбиркорлар ўртасида тузилган ижара шартномаларига мувофиқ ижара тўловлари ойнинг бошланғичида ундирилмасдан кунлик тўловлар шаклида йиғиб олинган. Бундай ҳолатларга Қибрай, Ўртачирчик ва Куйичирчик туманларидаги «Дехқон бозори», Бўка туманидаги «Истиқлол бо-

зори», Чирчик, Бекобод ва Янгийўл шаҳарларидаги «Дехқон бозори» акциядорлик жамиятларида йўл қўйилган.

Маълумки, маҳсулотларнинг сифатли сақланиши, ҳар хил юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик аввало тозалikka, санитария қоида-



ларига риоя этилишига боғлиқ. Афсуски, вилоятнинг баъзи бозорларида энг оддий санитария қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари ҳам мавжуд экан. Масалан, бозор ҳудудлари чиқиндилардан тозаланмай, бу борадаги кундалик юмушлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Хусусан, бундай ҳолатлар Ўртачирчик тумани «Дехқон бозори» ва Янгийўл шаҳар бозорларида ҳам кузатилди.

Куйичирчик, Ўртачирчик, Бўка туманлари ва Янгийўл шаҳар бозорларида акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солиш юзасидан қабул қилинган амалдаги қонун ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўрилмаган ҳамда кейинги икки ярим йил давомида биронта ҳам фьючерс шартномалари тузилмаган.

Бундан ташқари, вилоят бозорсавдо уюшмаси томонидан амалдаги меҳ-

нат қонунларига зид равишда акциядорлик жамиятлари раисларини ишга олиш ва бўшатиш, қуйи турувчи бозор акциядорлик жамиятларининг ички иш фаолиятларига қонунсиз аралашш, уларнинг маблағларини ҳар хил жамғарма, фондларга ўтказиш тўғрисида ноқонуний қарорлар чиқарилган.

Уюшма ва бозор акциядорлик жамиятлари бошқарув раислари вилоятдаги тайёрлов-сотив корхоналари фаолияти устидан етарлича назорат олиб бормаганликлари натижасида мулкни талон-тарож қилиш ҳоллари ҳам қайд этилган.

Шунарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бозорлардаги «уддабуронлар» пештахталарни дехқон-фермерлардан олинган арзон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдирish

мақсадида шартномалар тузиш ўрнига, мазкур бозорларнинг ўзидан маҳсулот сотиб олиб, уларни шу ернинг ўзида қиммат нархларда сотишни ташкиллаштирганлар.

Прокуратура идоралари томонидан ушбу йўналишда ўтказилган текшириш натижаларига кўра тегишли таъсир чоралари кўрилиб, 825 минг сўмлик зарар ижтимоий тартибда ундирилган.

Мақола аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, бозорларимиз юртимиз кўрки, фаровонлигимиз рамзи. Ўлкамизга ташриф буюрган меҳмонлар ҳам бозорларимиздаги ҳолатга қараб ҳулоса чиқарадилар.

Шундай экан, бозорлар маъмурияти, уларнинг фаолиятига дахлдор идоралар ўз ишларида бурилиш ясашлари ва бозорларимизга ҳақиқий шарқона тус беришга интиломоқлари лозим.

Ш.ЗУЛФИЕВ,
Республика прокуратурасининг
умумий назорат бошқармаси
катта прокурори,
Р.ЖАББОРБЕРГЕНОВ,
бошқарма прокурори

ТАДБИР

ҚИЗГИН
МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ

Хоразм вилоят прокуратура идоралари ходимларининг Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг 2-чақирик олтинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишида ҳуқуқ-тартибот идоралари олдида турган вазифалар ҳусусида фикр юритилди.

Йиғилиш вилоят прокурори Д.Исроиловнинг таклифига кўра, юртбошимизнинг сессиядаги нутқи видеотасвирини намойиш қилиш билан бошланди.

Сўнгра сўз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-даража давлат адлия маслаҳатчиси А.Эргашевга берилди.

Маърузачи ўз сўзида давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган долзарб масалаларга тўхталар экан, республика, шу жумладан Хоразм вилоятидаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятини атрофлича таҳлил этди. Айниқса, гумондорга нисбатан эҳтиёт чорасини белгилаш чоғида жиноятнинг ижтимоий хавфи қай даражада эканлигига қараб қонунчилигининг барча жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, эҳтиёт чорасини мақбул усулини танлаш лозимлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, йиғилишда парламент учинчи бор қизгин муҳокама қилган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳусусида фикр юритилди. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари О.Ҳайитбоев, вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи Р.Мадраҳимовлар кун тартибидagi масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, Олий суди раҳбарлари иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг II-чақирик VI сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Азимжон Эргашев нутқ сўзлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча йўналишларда, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қўламда ислохотлар олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, қонуностиюрилигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш долзарб вазифа эканлигини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари теран англамоқлари даркор.

Сессияда атрофлича муҳокама қилиниб, қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ҳусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилиш сўнггида прокуратура органларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликдаги вазифалари белгилаб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)

МУШОҲАДА

Хуқуқ ва бурч бири-бирига боғлиқ тушунча, бири иккинчисини тақозо этади. Уларнинг ўзаро мувозанати адолат барқарорлигининг гаровидир.

Бу тарозининг бир палласи оғир келса-киши ҳақ-хуқуқини талаб қилишга чечан бўлса-ю, бурч ва мажбуриятларини ўзидан соқит этса ёки аксинча бурч ва мажбуриятларини адо этса-ю, хуқуқлари поймол қилинса, бундан нафақат фуқаро балки жамият ҳам зиён кўради, адолат тамойилига путур етади.

АДОЛАТ МЕЗОНИ

Конституция ва қонунларимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар ўз ҳақ-хуқуқларини тўқисроқ бўлиб олиб, тасарруф этаётганликлари, уларда давовгарлик ҳисси кучаяётгани ҳуқуқий давлат асослари барпо этилган жамиятимиздаги кишилар дунёқараши ва руҳиятидаги ижобий ўзгаришларнинг натижасидир. Лекин фуқаролар томонидан ҳақ-хуқуқларини талаб этиш билан бирга, уларда бурч туйғусининг уйғонишига ва зиммаларидаги фуқаролик бурчларини ҳам адо этишларига одатланишлари учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим.

Бурч тушунчасининг маъноси кенг. Ватанин ҳимоя қилиш, иш, хизмат бурчидан ташқари давлат ва жамият, ота-она, оила олдидидаги ва бошқа бурчларимиз ҳаётимизга мазмун ва моҳият бағишлайди, турмушимизни мувозанатга солиб туради.

Хуқуқ ва бурчларни баб-баробар кўрадиган, риоя қиладиган фуқаролар жамиятимизнинг ўзагини ташкил этади. Шундай кишилар бош бўлган хонадонларда тарбияланган ёшлар Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётни юксалтириш борасидаги ўз бурчларини садоқат билан адо этишмоқда.

Бирок, пуч ваъдалар, хом ҳаёлларга алданиб, экстремистларнинг хавфли ўйинлари гирдобидида ўз ота-онасига, Ватанига, халқига ҳиёнат қилганлар ҳам йўқ эмас.

Шундай экан, ҳар бир ота-она асосий бурчини фарзданин ақлини, заковатли, элу халқ ва Ватанга садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатлигини бир сония ҳам унутмаслиги шарт.

Хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг илдиши айрим фуқароларнинг бурч ва мажбуриятларига амал қилмасликларига бориб тақалади. Буни бир сўз билан имонсизлик деб атаймиз. Имон дарз кетган қўнғилини инсонийликка-зид ҳасад, фарз, мол-дунё хирси, шахвоний хирс каби бадбин туйғулар эгаллаб, жиноятга бошлайди. Имонли киши, хуқуқлари билан бирга бурчларини яхши биладиган киши ҳар

қандай вазиятда, бир бурда нонга зор бўлиб қолганда ҳам ўғирликка, босқинчиликка қўл урмайди, ҳалол йўлдан тоймайди.

Яқинда вилоят суди Қўқон шаҳрида яшаган Акмал Абдурахимовнинг жиноят ишини кўриб чиқди. Унинг оилавий аҳоли, турмуш шароити ёмон эмас эди. Шахсий энгил автомашинасида Қўқон-Тошкент йўналишида йўловчи ташир эди.

Бирок, фуқаролик, инсоний бурчини унутган Акмал дилида бош кўтарган ҳасад, мол-дунё хирсини жиловлай-олмасдан жиноятга қўл урди. У машинасида Шохиста Қосимовани бир неча бор савдо-тижорат ишлари билан Тошкент олиб борганди. Шохиста 2000 йил 21 октябрь кун Иштиёр исмли йигитнинг машинасида Тошкентга отланганидан хабар топиб, йўлларини тўсиб чиқди. Акмални қора ниятидан беҳабар Шохиста Иштиёрга машинани тўхтатиб, танишини келтириб жойига элтиб қўйишини сўради. Аёлнинг ҳар сафар 3-4 миллион сўм савдо пули билан йўлга чиқишини яхши билган, «мардлик» учун аввалдан арок ичиб, улфатини гуё яна бир ўтиришга тақлиф қилган Акмал Қўқон шаҳар марказий деҳқон бозори ёнида ҳайдовчи Иштиёрнинг бўйнига пичоқ тиради. Шохистадан пулларини беришини талаб қилди. Босқинчининг ниятидан беҳабар улфати — Комилжон пичоқ ушлаган қўлига ёпишганда аёл машинадан тушиб, кўчадаги хонадонларнинг эшигини қоқиб, ёрдам сўради. Йўлтусар машинадан тушаётиб, ҳайдовчига пичоқ билан тан жароҳати етказди. Беихтиёр унга шерик бўлиб қўлган Комилжон уни қайтариш ўрнига, воқеа жойидан қочиб кетди. Ҳайдовчи Иштиёр Ярадор бўлишига қарамай Шохистага пичоқ ураётган Акмалнинг қўлидан тутди. Босқинчи ва қотил уларни ўз холига ташлаб, аёлнинг пул тўла сумкасини олиб машинага ўтирганича, Богдод туманига қараб йўл soldi. Катта Фарғона канали бўйида машинани ташлаб, бошқа йўловчи машинада Самарқанд кишлоғидаги қариндошиникига етиб олди...

Оддий инсонийлик бурчага со-

диқ қолган Иштиёр 50 дан ортиқ тан жароҳати олиб, ярадор бўлишига қарамай, босқинчи билан олишиб, ўзи ва Шохистанинг жонини асраб қолди. «Менга нима!» деган манқ уртон «фалсафа» домиди яшаб юрган Комилжон эса, қонли тўқнашув юз бераётган жойдан жуфтани ростлади. Ана шундай таҳлил,

«Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» тарзида мулоҳаза юриштига одатланган катта кўчадаги хонадон эгалари, савдо дўконларида тунги соқчиликда турадиган қорсулларнинг биронтаси ярим тунда, жон талвасасида ёрдам сўраган аёлнинг жонига аро киришга, босқинчининг танобини тортишга ярамади. Кези келганда шунч таъкидламоқчиманки, жиноятни кўриб кўрмасликка олиш, ноҳақлик билан мурося қилиш, бефарқлик, лоқайлик жиноятга шарт-шароит туғдиради. Бунинг оқибатида баъзан кишилар қурбон бўлишади. Давлат ва жамият манфаатларига путур етади.

Халқимизнинг қадим аъёналари, урф-одатлари, маънавияти ҳар қандай ноҳақликка, қонунбузарликка ва жиноятга қарши таъсирчан, говни-ижтимоий муросасиз муҳитни шакллантирган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг шўролар замонида шууримиздан ўчирилган, унутилган энг яхши аъёналаримиз тикланди, фарзандларимизни ана шу аъёналари руҳида тарбиялашга эътибор қўйирилмоқда. Ҳар бир инсоннинг тугилиш ўсишдан қадо қилгунигача бўлган ҳаёти маҳалла ҳудудига кенди. Унинг барча хислатлари шу маҳаллада камол топади, шаклланади ва маҳалла томонидан баҳоланади. Шунга қадар эса у оиласи ва маҳалласи бағрида тарбия олади, ота-онани ва катталарни ҳурмат қилиш, Ватанга ва оилага садоқатли бўлиш каби юксак қазилатларга эга бўлади, онги шаклланади.

Ёшларимизнинг фуқаролик ва инсоний бурчини англаб етган ва уни чуқур хис қилиш маънавий етук кишилар этиб тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифамиз ва бурчимиздир. Ижтимоий адолат мезони — қонунлар устиворлиги, ҳуқуқ ва бурч мутаносилиги барқарор юртимизда тинчлик ва оқсоқилликка, бунёдкорона меҳнатга ҳеч ким раҳна сола олмайди.

М.ҚАЮМОВ,

Фарғона вилоят

прокуратурасининг прокуратура

идораларида терговни

назорат қилиш бўлими бошлиғи,

адлия маслаҳатчиси

ТАШАББУС

СИЗ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИГА ҚАРШИМИСИЗ?

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг ййгилишида ва халқ депутатлари Самарқанд, Жиззах вилоятлари халқ кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш, тадбиркорларга тўғаноқ бўлаётган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш лозимлиги ҳақида қўйиб гапирди. Чунки жамиятимиз ривожланишини уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Яқинда Амударё туман прокуратурасида тадбиркорлар фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида семинар-кенгаш ташкил этилди. Кенгаш очик мулоқот тарзида ўтказилди ва унда соҳа раҳбарлари, банк ходимлари иштирок этдилар. Хуллас, очикчасига гаплашиб олинди. Кенгашда ўртага қизқарли масала ташланди. Сиз тадбиркорлиқни ривожланишига қаршимисиз? Шундан кейин кенгаш қатнашчиларида жонлини сезилгандай бўлди. «Пахта-банк» бўлими бошқарувчиси С.Содиқов фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ёки улар тавсия қилган мутахассисларни бухгалтерия фани бўйича ўқитиш, ҳафтанинг бир кунини «Тадбиркорлар ўқуш кўни» деб белгилаш ва ўқушга малакали мутахассисларни жалб қилиш лозимлигини тақлиф этди.

Туман деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси С.Тонгатов эса фермер ҳўжаликларининг ривожланишида асосан техникаларнинг етишмаслиги муаммо бўлаётгани, бунда техника хизмати учун келаётган Махсус траншларнинг барчаси фермер ҳўжаликлари фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар машина-трактор паркларида ўтказилиб қоралаётгани, улар томонидан эса йил давомида фермерларга техник хизмат кўрсатилмаётганлиги ҳақида гапирди.

Семинар-кенгашда шу нарса ёни бўлдики, кўпчилик ҳалиям ўз ҳақ-хуқуқларини билмайди. Қаерда, кимга учрашиш керак, шартномалар, бизнес режалар, хуллас, ҳужжатлар қандай қилиб яратилади? Тўғриси, кўпгина тадбиркорлар бу борада аниқ маълумотга эга эмаслар. Шу сабабдан туман прокуратураси ташаббуси билан тадбиркорларга мўлжаллаб тайёрланган «Тадбиркорлик — қўнун ҳимоясига» қўлланмаси ййгилиш иштирокчиларига тарқатилди. Шунингдек, ҳўжалик МТП раҳбарлари, туман ҳокимлиги тадбиркорлар билан ҳаммадан, ҳамнафас бўлишгаги ўқитилди. Зеро кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат ийрик бизнеснинг, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига таъсир кўрсатади. Асосий соҳаси кишлоқ ҳўжалиги бўлган туманимизда деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ташкил топтириш, кишлоқ жойларига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Ҳозирги кўнда туманда 246 та фермер ҳўжалиги, 11874 та деҳқон ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда фермер ва деҳқон ҳўжаликларида ташқари 201 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 659 та яқка тадбиркорлар мавжуд. Аммо уларнинг иш фаолиятлари таҳлил қилиб кўрилганда, жорий йилининг 1 сентябрь ҳолатига 134 та ҳўжалик субъектларига фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Қолганлари ҳар хил сабабларга кўра иш юритмаётганлиги аниқланди. Бундан ким юзаси-ю, ким зарар кўради? Албатта давлатимизга бу зарар, чунки ишлаб чиқариш ҳажми пасаяди, ишсизлик кўпаяди, давлат газнасига маблағ тушиши камайди, ишсизлик оқибатида жиноятчиликнинг сони кўпайиши жамиятимиз учун ҳафлидир.

Ўрта ва кичик бизнес субъектларининг иш фаолиятларининг тўхтатилишида қисман тадбиркорларнинг ўзларининг ўқувсизликлари сабаб бўлса, кўпчилик ҳолатларда маҳаллий идораларнинг тўсиқлари, тадбиркорлар палатасидаги, банк, молия тизимидида сансалорчиликлар сабаб бўлади. Эндигина ўзининг кичик тадбиркорлиги фаолиятини бошлаган тадбиркор мустаҳкам оёққа туриб олгунча озмунча вақт ва маблағ керакми? Мана шундай ҳолларда тадбиркорларга етакчилик ва ҳомийлик қиладиган тадбиркорлар палатаси, маҳаллий ҳокимликлар, хизмат қилувчи банк тизими мутасаддилари тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари шарт.

Қисқаси, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир мутасадди идора раҳбарларининг кўндалик ишига айланиши керак.

Х.БАХРОНОВ,
Амударё туман прокуратури,
адлия маслаҳатчиси
Н.ОҚНАЗАРОВ,
«Хуқуқ муҳбири

ДИЛ СЎЗИ

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Конституция ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг энг катта қафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида «Прокуратура тўғрисидаги янги тахрирдаги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат прокуратура тизимининг ваколат ва вазифаларини белгилаб бериш билан бирга, зиммаларга улкан масъулият ҳам юкледи. Олий Мажлис сессиясидаги Президентимизнинг нутқи, аиникса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шайнига билдирилган фикрлари ҳамда парламент сессиясидаги қўрбо-шимиз маърузаси оқсиздан қабул қилинган қарори талаблари ҳар биримизни юк-

сак интизом ва ҳалоллик билан ишлашга ундайди ва иш фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Мен, камтарона меҳнатим эътироф этилиб, «Шўҳрат» медалини олиш бахтига мушарраф бўлганимдан хурсандман. Имониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини азиз байрамимиз билан яна бир қарра мураббабдот этаман. Ваъда берманки, халқимга ҳалол хизмат қиламан, қўнун устиворлигини таъминлашда ўз улушини кўшаман.

Гулбаҳор МАШАРИПОВА,
Хоразм вилоят прокуратурининг
катта ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси



Узтос учун шоғирд камолини кўришдан улутроқ бахт йўқ. Абдулҳай ака Рўзиев ўз шоғирдларининг камолини кўрган узтослардан. У кишининг шоғирди — Андижон шаҳар прокуратури Мурадил Қўрбонов устози билан тез-тез мулоқотда бўлиб, қимматли маслаҳатлар олиб туради.

Суратда: Узтос ва шоғирдининг навбатдаги мулоқоти.



Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисmini ёшлар ташкил қилади. Шу сабабдан ҳам уларнинг таълим-тарбия олишлари, касб-хунар ўрганишлари ҳамда меҳнат қилишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш Ҳукуматимизнинг доимий эътиборида турибди. Бу жараёни эса ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз юқорида ҳар бир шахс қонунларни ва биринчи навбатда ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши керак, дедик. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни би-

КОНСТИТУЦИЯ — ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ

Аввало шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ёшларнинг ҳуқуқий муҳофазаси дейилганда, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи ташкилотлар фаолиятини тушуниш лозим.

Ёшларнинг ҳуқуқий муҳофазаси бугунги кунда мамлакатимиз сиёсатининг ажралмас қисмига айланган ва бу масалага истиқлолнинг илк йиллариданок алоҳида эътибор билан қаралган. Бунинг ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг уч ой ўтмасданок парламент томонидан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» Қонун мисолида аққол кўриш мумкин. Ушбу қонунда ёшларга давлат томонидан кенг қамровли ғамхўрлик кўрсатиш йўналишлари билан бирга уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси асослари ва уни таъминлаш чоралари ҳам белгиланган бўлиб қўйилган эди.

Бугунги кунда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ва ташкилотлар билан бирга Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Олий Мажлис қошидаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтлари янги ёшлар-

нинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмоқдалар.

Шу нарсани ҳам инобатга олиш керакки, фуқароларнинг, шу жумладан ёшлар ҳуқуқининг муҳофазаси қўп жиҳатдан уларнинг ўзига боғлиқдир. Бу ўринда ёшларимизнинг қонунларни, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада билишларига ишора қилинаёпти.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбияни шакллантириш муайян бир тартибда, назарий асослар ва тамойилларга асосланган ҳолда ташкил қилинсагина қўп қилинган натижа бериши мумкин. Жумладан, ҳуқуқий таълим-тарбия илмийлик, ҳаққонийлик асосида, ҳаёт билан, амалиёт билан боғлаб, оммабоп ва тушунарли тарзда олиб борилиши зарур.

Ҳуқуқий тарбияда, ҳуқуқий билимларни сингдиришда ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишни ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этишини ҳам ёдда тутиш лозим. Масалан, ҳуқуқий тарбия жараёнида баъзи ёшларга суҳбатлар ўтказиш, тушунтириш ишларини олиб бориш етарли бўлса, ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан бошқача йўл тутиш керак. Чунинчи, ҳаққонийликларда яқка тартибда ишлаш усулини қўнайитириш шарт. Ҳуқуқбузарлик қўнаёсга кириб улгурганлар билан эса бундан-да самаралироқ ишлаш зарур.

К. НАЗАРОВ,
Алишер Навоий номидagi
СамДУ доценти

МУЛОҲАЗА

ФАРЗАНД ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Азал-азалдан Шарқда оила, фарзанд тарбияси эътиборга молик масала бўлиб келган. Хусусан, биз ўзбекларда ҳам болани тарбиялашга, унинг қомил инсон бўлиб вояга етишига асосий вазифа сифатида қаралади. Диний ва миллий қадриятларимизда ҳам ота-она ва фарзанд муносабатларига кенг ўрин ажратилган. Ана шу ўта нозик муносабатларни назорат қилиш, бу борада юзага келадиган муаммоларни одилона ҳал этиш бугун ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига улкан вазифа юклайди. Жумладан, эр-хотин орасида низо чиқиши ёхуд ажрალიш оқибатида пайдо бўладиган, айни пайтда фарзандлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш низоҳатда эҳтиёткорликни тақозо этади. Нисоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-оналар ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини таъминлайди, ота-оналарнинг масъулиятини оширади, уларнинг болалар манфаатларига зид ҳатти-ҳаракатлар содир этишларига барҳам беради ва пировард натижада қонунбузарликларнинг олдини олади.

Республика судлари томонидан 2000 йилда бу борада 325 та фуқаролик иши қўрилган бўлиб, шулардан 310 таси бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, 15 таси бўйича ишлар ҳаракатдан тугатилган.

Судлар томонидан қаноатлангандирки, давло аризалари юзасидан 276 нафар шахс ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Албатта, шунча оиланинг барқарорлигига путур етиши, юзлаб болаларнинг ота-она меҳридан жудо бўлиши дилни огритади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги давлоларнинг прокурорлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юклаган органлар томонидан ўтказилган юзаси текширишлар асосида қўзғатилиши, ке-йинчалик эса давлодан воз кечиш ёки мазкур давло органлари вакилларининг судда ҳозир бўлмасликлари оқибатида 10 фоизи судлар томонидан рад этилган, 6 фоизи эса иш юри-тувдан тугатилган.

Жумладан, 2000 йил 14 январда Чирчиқ шаҳар судига вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия раиси жавобгар

Е.Шикинага нисбатан давло ари-заси билан мурожаат этиб, унинг 2 нафар вояга етмаган фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Фуқаролик иши судда қўрилишида комиссия раиси судга давло қўзғатишдан олдин Е.Шикина ва унинг фарзандлари билан бирон марта ҳам суҳбатлашмаганлиги, масала комиссия мажлисида муҳокама қилинмаганлиги, жавобгарга нисбатан муқаддам ҳеч қандай таъсир чоралари қўрилмаганлиги аниқланган. Натижада 2000 йил 3 февралда давлога давлодан воз кечиш, берган аризасига асосан Чирчиқ шаҳар судининг ажримини билан иш ҳаракатдан тўхтатилган.

Оила кодексининг 80-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишлари албатта прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида қўрилиши лозим. Аммо қонуннинг ушбу талаби қўпол равишда бузи-лаяпти.

Вилоят судлари томонидан жами 330 та фуқаролик иши қўрилган бўлса, 14 ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари иштирок этмаган. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ҳуқуқ ҳимоячилари ўзлари қўра-бала туриб қонуний меъёрларга хилоф равишда иш тугатган бўлсалар, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Афсуски, мутасадди идораларнинг бефарқлиги ва қонунбузарлиги фақат шу ҳолатлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Қонун талабига қўра, суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қўра киргач, 3 кун ичида унинг нусхаси бола туғилганлиги давло томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши шарт. Қонуннинг ушбу талаби айрим туман, шаҳар судлари томонидан бажарилмаяпти.

Қўриниб турибдики, бу борада йўл қўйлаётган камчиликлар ўз ечимини топмас экан, ҳуқуқий соҳадagi ислохотлар талаб даража-сида амалга ошмайди.

М.САИДОВА,
Республика прокуратораси
бўлим бошлигининг
ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси.

ЯХШИ ТАЖРИБА

ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИМИЗ СЕРҚИРРА БЎЛСИН

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» биз маориф ҳодимларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат таълим стандартларини бажариш, Давлат дастури асосида ўқувчиларга билим бериш бизнинг асосий вазифамиз. Лекин шундай фанлар ҳам борки, уни фақат дарслик асосида ўтадиган бўлса, ўқувчиларга бир томонлама билим берган бўламиз. Шу сабабдан мактабимизда ноанъанавий янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш яхши йўлга қўйилган.

Маълумки, «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фақат 8-9 синфларда йилига 34 соат ўқитилади. Бу эса ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириши учун камлик қилади.

Ўқитувчилар фаолиятимиз 6 йил тўлмоқда. Мен бу давр ичида қўп нарсани ўргандим. Айниқса, ўқув-

чиларимнинг тарих, ҳуқуқ фанларига қизиқиши мени шу фанлар ичига яна ҳам чуқурроқ кириб боришимга ундади. Уларнинг ҳар даража мендан ҳам кўпроқ савол беришлари сабаб дарсларга ўзгача қайфиятда, ўзгача дунёқарашда тайёргарлик қўриб келишимга тўғри келди. Натижада аста секинлик билан бир дарсимиз иккинчига ўхшамайдиган, бир-биридан мураккаб, сермулоҳаза бўла бошлади.

Дарсларда турли тестлардан, бошқотирмалардан, психологик вазиятлардан фойдаланадиган бўлдик. Оқибатда янги педагогик технологиялар ҳам вуҳудга келди.

Масалан, «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанида «Жиноят ҳуқуқий тушунчаси», «Жиноий жавобгарлик ва жазо», «Вояга етмаганларнинг жинояти ва жавобгарлиги» мавзулари бор. Шу мавзуларни ўрганиб чиққандан кейин амалий машғулот ўтаимиз, бунда одатдагида тест синови ўтмасдан балки, синфда «Жонли суд процессини» ўтаимиз. Қандай жиноятни қўриб чиқиш ўқувчилар томонидан танланиб, «Жиноят ичдан тўқилади».

Хуллас, дастлабки тергов ишлари олиб борилади. Суд бўладиган кун белгиланади ва суд процесси ўтказилади. Унда ўқувчиларнинг

бири судланувчи, бири жабрланувчи, бири гувоҳ, бири эксперт, бири адвокат, бири прокурор, бири халқ маслаҳатчиси ва бири судья бўлади. Хуллас, барча ўқувчи вазифа тақсимланади. Ўқитувчи эса четда турган ҳолда ўқувчиларнинг маҳоратини, жиноий жавобгарлигини ҳис этишини, қилинган жиноятнинг қандай оқибатларга олиб келганилигини, ижтимоий ҳавфлилик даражасини ўқувчи қанчалик англай олганлигини баҳолаб боради.

«Жонли суд процесси» ўқувчининг ҳуқуқий саводхонлигини оширибгина қолмай, балки қонунни ҳур-

мат қилишга, касбга бўлган муҳаббатини оширишга, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат ҳислатларини шакллантиришга, келажақда бу қабил қалтиш йўлга кирмасликка ўргатади. Энг асосийси, ўқувчи дарсдан олган таассуротини ўртоғи, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси билан ўртоқлашади. Натижа ҳар қандай жиноятнинг озгина бўлса-да, олдини олишга ёрдам берса, ажаб эмас.

Мактабимизда ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда туман прокурори С.Назаров, туман суди раиси Ф.Ҳолматов ва ИИБ бошлиғи А.Ғойқуловлар жқиндан ёрдам бераёттилар.

М.КЕНЖАЕВА,
Сирдарё вилояти Ш.Рашидов
тумани Абу Али ибн Сино
номли 18-ўрта мактаб
директор ўринбосари

АФСУС!

«МЕН ЯШАШНИ ИСТАЙМАН!»

КИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

СОХТА ДИПЛОМЛИ СОЛИҚЧИЛАР

соқит қилишга муваффақ бўлса? Ахир, суоқлик ёки қон инсон томирига уланаётганида нега уларнинг сифатиға эътибор қаратилмади? Нега кичик операция мавқеиға тенг бўлган томирга дори жўнатиш жараёни назоратсиз қолдирилди?

Агар шифокор беморнинг ёнида бўлганида муолажанинг дастлабки симптомлариданок фожееининг олди олинмасмиди?

Тергов жараёнида аниқланишича, навбатчи ҳақим Ж. Султонов Г. Ҳайдаровани даволаш жараёнида йўл

қўйилган хатоларни хаспушлаш ҳамда яшириш мақсадида марҳуманинг «касалик тарихи»даги варақларга юзаки, ноаниқ кўрсаткичларни тиркашдан ҳам тўймаган. Унинг бу найранглири ҳақмасбларининг кўрсатмалари орқали аён бўлди:

С. БАРАТОВ, туғруқхона ҳақими: — Мен бемор Г. Ҳайдаровани текширмаганман. Марҳуманинг «касалик тарихи»даги қайдларни ёзишда умуман қатнашмаганман. Шу сабабли, имзо қўйганим йўқ.

Д. ЮСУПОВА, Жумабозор қишлоқ участка шифохонаси бош ҳақими: — Г. Ҳайдарова шифохонамиз аёллар маслаҳатхонасида 2000 йил 18 январдан ҳисобга олинган. Доимий назоратда бўлган. Ўтган йили 27 июнь кунда текширилганда, қон таркибидаги гемоглобин «82» чикқан. Артериал қон босими «110 га 70» бўлган. Унинг «касалик тарихи»да эса гемоглобин «40» деб кўрсатилган. Уртадаги фарқнинг қисқа вақтда «42»га тушиб қолишига ишонмайман.

Ушбу кўрсатмаларга яна қўшимча қилиш фикридан йироқмиз. Жон, жон ўлганнинг жони. Биргина навбатчи ҳақим Жума Султоновга белгиланган жазо билан бу хатolikларни, юракдаги чандикларини тузатиб бўлармикан?..

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Хуқуқ» мухбири

Обиднинг ёшлиқдан орзуси мундир кийиб ҳаммани ўзига қаратиш эди. У ўз орзусига эришиш учун бошқалардай тунни кунга улаб ўқимади. Яқинлари ёнига бориб «Мен давлат солиқ инспекциясида ишламоқчиман» деди. «Солиқчи бўлиш учун диплом керак» дейишди унинг оғайнилари. Диплом учун 4-5 йил тертқиб ўқиш лозим. Бунинг учун Обид Азезовда сабр ҳам, ҳафсала ҳам йўқ эди. У тезроқ солиқчи бўлмоқчи эди-да. Ниҳоят илоҳичи тоғди. Танишлари орқали Тошкент Давлат университети томонидан берилган деган 003437 сонли сохта дипломни кўлга киритди.

Омад келса, ҳеч гап эмас экан. Кўп ўтмай у Когон туман ДСИда юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими инспектори лавозимига ишга жойлашиб олди. Ишнинг бундай силлиқ кетаётгани Обиднинг завқини келтирарди. Аммо бу сохта дипломли солиқчининг фаолияти зорқа чўзилмади. Кўп ўтмай унинг сирини фаш бўлди. Эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниб, унинг устидан жиноят иши қўзғатилди.

Ўқтам Ҳусайновнинг кимлигини когонликлар яхши билишарди. У туманда оддий кишилардан эмас, кимсан туман ДСИ бошлиғининг ўринбосари лавозимда ишларди. У бу соҳада 10 йилдан буён фаолият кўрсатиб келарди. Ўқтам амал пиллапояларидан аста-секин кўтарилла бошлади. Энг кизиги у оддий инспекторликдан муовин даражасигача кўтарилди.

Яқинда Ўқтам Ҳусайнов ҳамкасблари ўртасида шарманда бўлди. У ҳам Обид Азезовга ўхшаб 1992 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини битирганлиги тўрисидаги сохта диплом билан ишлаб келаётгани маълум бўлиб қолди. Унинг ҳам устидан жиноят иши қўзғатилди. Сохта диплом билан ишлаш орзусида юрганларга айтар сўзимиз бор. Когонлик Обид Азезов ва Ўқтам Ҳусайнов каби эл орасида шарманда бўлишни истамасангиз тезроқ бу йўлдан қайтинг. Вақт келиб сирингиз фаш бўлиши аниқ. Кўза кунда эмас, кунда синади, деган нақлни асло унутманг.

М. ХОДЖАЕВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

БУ ГУЛНОРАНИНГ ЭНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ ЭДИ...

боши баробар кўтарди: «Бу ёғини ўйламамлар!».

Отанинг ишораси билан Умрзоқ ҳам ичкарига кириб, хотинимга дори-дармон учун, дея олти минг сўм қис-тириб чиқди. Бу — дўхтирларнинг мўлжалидан кам эди. Таъма-гирлиқнинг эса йўли кўп:

— Хотинингизга оз-рок қон керак. Узимизда йўқ. Шунга...

Содда йигит нимага шаъма қилинаётганли-гига тушунмади. Бу оз довидаб турди-да, ўзини ташқарига урди.

Мухтор аканинг ўлига берган «топши-риқ» кечки пайт ёдига тушди:

— Пулни берганми-

динг?
— Ҳа, айтгандай, 100 грамм қон керак эмиш...

Бу гапдан сўнг Мухтор аканинг ҳаловати бузилди. Икки-уч жойга кўнғироқ килса-да, фойдаси бўлмади. Охири, шифохона бош ҳақимининг уйига йўл олди. Бахтига тани-ши уйда экан. Бош ҳақим ўртоғи-нинг дардини эшитган, улар бирга-лиқда туғруқхонага етиб келишди.

— Нима, заҳирада биринчи гуруҳ қон қолмаганими?

Вазиятнинг бундай тус олишини ўйламаган ҳақимлар талмовсираб ичкарига кириб кетишди ва зум ўтмай изма-из чиқиб келишди:

— Уэр, Фармон ака, заҳирада қон ҳам, суқлик ҳам бор экан, ҳали муддати ўтгани йўқ. Гулнорага ке-раклик барча дори-дармонлари етар-ли.

— Етмаса қон қуйиш бўлимидан олинглар, — шундай дея бош ҳақим гапга нуқта қўйди.

Мухтор ака шифохонадан кўнгли тоғдек кўтарилиб қайтди. Уйдаги-лар эса ҳамон жажжи меҳмон таш-виши билан овора эди. Хотини қа-қалоқнинг бешиги учун ҳарир қоп-ламалар тикмоқда. Қизлари бўлса қақалоққа муносиб исм топиш би-лан овора...

... Мухтор ака болалари даврасида телевизор кўриб ўтирарди. Қулоғига чалинган гўнғур-гўнғур суқбатни эши-тиб, дераза пардасини кўта-риб ташқарига назар ташлади. Хотини кўшни аёл билан гап-лашаётган экан. Бир зум ўтмай уйда пайдо бўлди: «Ҳой дадаси, бўлақолинг. Невара кўрадиган фурсатимиз келиб-ди, шекилли». «Йўр-е, хабар қилган тилингдан, хотинжон». Мухтор ака қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини билмай қолди.

Хушхабар куда томонга ҳам қанот ёзди. Кўп ўтмай дарвоза ёнида уларнинг енгил машинаси тўтанди. Келин тўппа-тўғри Ургут туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлимига ётқизилди. Ҳозир-гина дунё юзини кўрган фарзанд Гулнорахонинг бағрини тўлдир-ди.

Ана, эшик очилиб, оппоқ либос-ли ҳамшира чиқиб келди. У Мухтор акани ичкарига қақираркан, табас-сум билан:

— Табриклаймиз, «меҳмон»ла-рингиз ўғил экан.

Бу орада навбатчи ҳақим ҳам етиб келди.

— Қизимизнинг аҳволи қандай, дўхтир? — атайин сўради Мухтор ака унинг узатилган қўлини сиқар-кан.

— Ҳаммаси яхши. Ҳозир қон босими «110 га 70», пульси «84». Қақалоқнинг аҳволи ҳам жойида. Ўзиям нақ Сизга ўхшаб кетади-я!

Бу таъриф Мухтор аканинг са-ховатини ошириб юборди. Чўнта-гидиги бор пулини қўлга олди. Нақ саккиш минг сўм экан. Оқ халатли-лар «суюнчи»ни чўнтакка уришар-кан, яна нимадир демоқ учун оғиз жуфлашди. Сергак Мухтор ака эса «тушундим» дегандек, қўлларини

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги вақт мобайнида тиббиёт соҳасида ҳам илғовий ўзгаришлар ноз бермоқда. Лекин ютуқлар ҳар доим ўзимизники бўлиб қолади. Бу боралда бизни бир нарсаси ташвишга солади. Шу каби аянчлиқ ҳолатлар Ургут туманидагина эмас, балки бошқа ҳудудларнинг шифо масканларида ҳам тақрорланмаётганими?

Азиз муштарий! Кўтарилган масала, мунозира учун мавзу бўлади, деган фикрдамыз. Айтинг-чи, Сиз яшаётган ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи қандай? Бу ҳақда ўз фикрларингизни ёзиб юборасиз деган умиддамыз.

ИЛЛАТ ИЛДИЗИ

ҚАЛТИС ҚАДАМ

зоқатнинг ҳаётидаги энг катта, тўғирлаб бўлмайдиган хато эди. У нафақат уйи, балки болалиги билан ҳам хайрлишиганди. Бундан ҳам бадтарроғи ўша ёқда Тўйчи исмли йигит билан танишиб, жи-ноят кўчасига қадам қўйди.

Тўйчи унга бой-бадавлат, кай-фу-сафода яшаш мумкинлиги, бунинг учун эса озгина югуриб-елиш лозимлигини ўқтириб, қўлга 80 грамм героин гиёҳванд мо-дасини тутқазди. Назокат эса бу ишининг жиноят эканлиги, оқибати ҳуноқ бўлишини ўйлаб ўтирмай, гиёҳванд моддани Тўйчидан 240 минг сўмга сотиб олиб, Тошкент шаҳрининг ўзида урганчлик Со-бир исмли шахс билан савдола-шиб, 500 минг сўмга сотишга ке-

лишди.

Иккинчи сафар эса Н.Отахонова 83,5 грамм гиёҳванд моддасини Ҳоразмга олиб келиб, Урганч ша-ҳар электр тармоқлари уюшмаси биноси олдида фуқаро З.Шерна-заровага пуллаётган пайтида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ортимизнинг барча фуқароси, ёш-қари, айнакча, болалар, му-стақиллигимизнинг ўн йиллик тўйи-ни интиқ кутаётган, барча-барча байрам кайфиятида юрган бир пайтда, Н.Отахонова қорнида тўққиз ойликка яқин ҳомиласи билан озод-ликдан маҳрум бўлиш ҳукмини ку-тиб яшади. Суд унинг воёга етма-ганлиги, ҳомилдорлигини инобат-га олиб тўрт йил қамоқ жазосига

ҳукм қилди. Орадан кўп ўтмай қамоқхонанинг муҳлиш суқунати-ни қақалоқнинг аянчли қинчирғи бўзди. Тақдирнинг бешафат ҳукми билан бу гўдак ҳам ёруғ дунё юзи-ни кўрди.

Яхшиямки, меҳр-мурувватли, инсонпарвар, адоллатли давлатда яшаймиз. Президентимизнинг мустақиллигининг ўн йиллиги муно-сабати билан чиқарган Амнистия тўғрисидаги Фармонига кўра она-бола озодликка чиқарилди. Аммо улар ўтмишидаги зора доғлардан, бўйнига осилган таъки лаънатлар-дан халос бўла олармикан?! Улар-нинг бу ҳолга тушишига, воёга ет-маган қизнинг бевақт ҳазон бўли-шига, оғир жиноятга қўл уришига ким айбдор?! Ота-онасими, маҳал-ла-қўйми, ёки?..

Мирзабек ЖАПАКОВ,
журналист,
Хоразм вилояти

Ҳаётда бунақаси камдан-кам учраса керак. Тақдири азал, дейдилар. Аммо бу гўдакнинг ёруғ дунёни кўрмасданок унинг илк овози турма деворидан нарига ўтмай, илк назари эса панжара ортидан мўралаётган хира ёруғликка тушиши ҳам тақдири азалнинг ишмикин?

Шу йилнинг 14 август кuni Хо-разм вилояти жиноят ишлари бўйи-ча суди томонидан 1984 йилда ту-гилган Назокат Отахонова (исми шарифи ўзгартирилган) тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди. Суд жараёнида у барча гуноҳларини тан олди, ҳали воёга етмаганлиги, ҳомилдорлигини айтиб кечирим сўради. АФСУСки ўзининг воёга ет-маганлиги анча кеч эсига тушган-ди. Бунгача у ҳаётга енгил-епли қараганлиги боис тақдир сўқмоқ-ларида ўғлиниб бўлмас даражада икки маротаба қоқилганди. Бирин-чисида у ҳаю-ҳавасга берилганли-

ги сабабли номусини йўқотди. Унга ёр-ёр айтиш, келинчақнинг оқ ли-босини кийиш, чимилдиққа ёруғ юз билан кириш насиб қилмади.

Иккинчисида эса... тўққизинчи синфни битирган, чан ўқишга, на ишлашга ҳафсаласи бўлган Назо-кат бекорчиликдан зерика бошлай-ди. Ҳаётни фақат ўз қаричи билан ўлчовчи, севги-муҳаббат тушунча-ларини кинолардагидек тасаввур қилувчи бу қиз Тошкент шаҳрида ишлаб юрган, яхши кўрган йигити-нинг ёнига кетади. Балки, унинг уйдан кетишига бошқа нарсаси са-баб бўлгандир. Аммо бу сафар На-

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ҲАБАРЛАР ШАРҲЛАР

ДУНЁВИЙ МУАММО

Мана икки ҳафтадирки жаҳон оммавий ахборот воситалари Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатларига алоқадор гуруҳлар ҳусусида турли хил фикрларни илгари сурмоқда. Айтиш керакки, бир қатор расмий ва норасмий манбалар 11 сентябрь кун, АҚШда юз берган қўпуровчиликларда Усама бен Ладеннинг қўли борлиги ҳақида маълумотлар тарқатмоқдалар.

Аёнки, 20 йилдан ошқ давом этиб келаётган Афғонистондаги фуқаролар уруши жангари гуруҳлар майдонини яна ҳам кенгайтирди. Сир эмаски, шу жиҳатдан ҳам мамлакатда қўпуровчи жангариларнинг катта гуруҳлари тайёрланмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳам Афғонистон ҳусусида гапирар экан, бу мамлакат бугун террорчиларнинг ашаддий маконига айланганлигини алоҳида қайд этган.

Хориж оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган баъзи ахборотларда гўёки Ўзбекистон АҚШ ҳаво қўчалари учун ҳаво йўлаклари ва аэродромларидан фойдаланишга рўхсат берганлиги маълум қилинапти. Аммо, Президент Ислам Каримов бу ахборотларга ҳам аниқлик киритиб, Қўшма Штатлар Афғонистонга қарши уруш эълон қилмаётганлиги, аксинча бу ердаги террористик гуруҳларнинг лагери ва базаларига қарши ҳужум уюштиришни, шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон нафақат АҚШ билан балки, бошқа давлатлар билан ҳам терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз кураш йўларини муҳофаза этишга тайёр эканлигини билдирди.

Бугун Афғонистондаги вазият янада жиддий тус олмақда. Узоқ йиллик урушдан чарчаган тинч аҳоли яна ўз уйлари ташқари, қўшни Покистон ва Эрондан паноҳ изламоқда. Афғонистон уламолар кенгаши ўтган ҳафта бўлиб ўтган факулдада йиғилишида дунёда биринчи террорчи номини олган Усама бен Ладенни мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишни талаб этди. Аммо, бу талабга ҳали амалий жавоб олингани йўқ. Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг шимолӣ қисмида Шимолӣ Иттифоқ қўшинлари билан Толибон ҳаракати ўртасидаги жанглар тобора шиддатли тус олмақда. Тўқнашуларда Толибон ҳаракати катта талофат кўраётти. Мамлакатда эса озик-овқат тақчиллиги, доридармонлар етишмаслиги аҳоли силласини кўритиб, турли юқумли касалликларнинг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бугун афғон халқи АҚШ томонидан бошланиши мумкин деб ҳисобланаётган ҳаво ҳужумларидан саросимада. Пентагон раҳбари ўз ҳарбийларининг «интиком операциясига» тайёр эканлиги ҳақида Президент Бушга ахборот берди. Ана шундай бир пайтда Қўшма Штатлар махсус хизмат вакиллари содир этилган террористик ҳаракатларга доир қўллаб-янгича манбаларни аниқламоқда. Бугунгача, бундай хизмат идоралари томонидан 15 мингга яқин ашёвий далиллар тўпланган. АҚШ давлат департаменти мамлакатда содир этилган қўпуровчиликлар ҳақида тўлақонли маълумот берган шахсга 25 миллион доллар миқдорида мукофот пули берилишини маълум қилди. Ўтган ҳафта Жорж Буш раҳбарлигидаги йиғилишда «интиком операцияси»нинг режалари белгилаб олинган. Аммо, Пентагон расмийлари операциянинг қандай кўринишда ўтказилиши ҳусусида бирор-бир ахборотни ошқор этгани йўқ. Террорчиликда гумон қилинаётган гуруҳларнинг Қўшма Штатлар банкларидаги ҳисоб рақамларини ёпиш ҳусусида эса молия идораларига расмий кўрсатмалар берилган.

Ўтган ҳафта Америкада чоп этиладиган йирик нашрларда террористик ҳуружлар ҳусусида яна бир шов-шувли ахборот эълон қилинди. Унда қайд этилишича, энг катта кучга эга бўлган террорчилик гуруҳлари НАТОнинг Япониядаги ҳарбий базалари жойлашган ҳудудларда ҳам кенг қўллаб қўпуровчиликлар уюштиришни режалаштиришган. Айрим норасмий манбаларда эса Усама бен Ладен бу сафар кимёвий ва бактериологик қуроллардан фойдаланган ҳолда янги режаларни тузатганлиги таъкидланади. Ҳозирда жаҳон махсус хизмати идоралари Бен Ладеннинг Покистон билан чегарадош ҳудудларда яширинганлигини ошқор этмоқда.

Умуман, бугунги кунда Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида содир этилган қўпуровчиликлар билан боғлиқ қўллаб-қўйиш аниқланмоқда. Табиийки, бундай манбалар асл «мақсадларини» кўрсатиш дунёвий муаммо дея эътироф этилаётган жиноятнинг илдизига зарба беришга ёрдам беради. Жаҳон ҳамжамияти эса бу йўлда барча эрксивар давлатлар кучларини қатъийроқ жипслаштирмоқда.

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ

Ўтган жума кун, Санкт-Петербургда Миллий ҳафизлик академиясининг (МХА) вице-президент Олег Таран ўлдирилган. Унинг жасади МХА офиси ёнида турган мархумга тегишли жип русумли автомашина ичидан топилган. Офисга қарама-қарши уйнинг чордоғидан эса Таран ўлимига сабабчи бўлган снайпер қуроли ашёвий далил сифатида олинган. Айтиш жоизки, кейинги вақтларда Россиядаги жиноятларнинг ахсарият қисми ёлланган қотиллар томонидан содир этилмоқда.



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг таъкидлашларича, бу қотилликка ҳам бюрократлар томонидан яхшигина маблағ тўланган бўлиши мумкин.

РАҚОБАТ КЕНГАЯДИ

Баҳрайн ҳукумати Техасо компаниясининг мамлакатда нефт қонларини қидириб топиш ҳамда нефт ва газни қазиб олишни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берди. Бунга мамлакат бош вазири, шу билан бирга Баҳрайн нефт кенгаши раиси шайх Халифа бошчилик қилган ҳукуматнинг навбатдаги йиғилишида қилишилган. Таъкидлаш керакки, мазкур давлат нефт экспорти бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Бугунги кунда Баҳрайн кунига 37 минг баррел нефт қазиб олади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони ва Баҳрайн ўртасидаги эркин ҳудудлардан ҳам 140 минг баррел нефт олиноқда. Мутахассисларнинг айтишича, ҳукуматнинг бундай қарорга розилик билдириши мамлакатнинг нефт соҳасидаги рақобатини кучайтиришга хизмат қилади.

ИНТЕРПОЛНИНГ НАВБАТДАГИ ФОРУМИ


Венгрия пойтахти Будапештда Интерполнинг 70-сессияси иш бошлади. Ташкилий қўмитанинг таъкидлашича, унда ташкилотга аъзо 178 та мамлакатнинг 800 га яқин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этмоқда. Сессия кун тартибидаги асосий масала - Европадаги криминал вазият таҳлилига бағишланган. Шунингдек, форум иштирокчилари уюшган жиноятчиликка қарши кураш, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, автотомобиллари давлатлар чегарасидан контрабанда усулида олиб ўтиш масалаларини ҳам муҳофаза этишади. Сессия кун тартибидан Югославиянинг Интерполга аъзо қилиб олиш масаласи ҳам ўрин олган.

ЧЕГАРАДА ЧУВ ТУШГАНЛАР

Болгар - Турк чегарасида 130 килограмм марихуана моддаси ушлаб қолинди. Болгариялик божхона хизматчиларининг таъкидлашича, наркотик моддалар Туркияга кетаётган Мерседес русумли юк автомобилни назоратдан ўтказиш пайтида аниқланган. 136 та пакетда жойлаштирилган марихуана автомобилнинг таг қисмига усталик билан беркитилган. Экспертларнинг баҳолашларича, гиёҳванд моддаларнинг қиймати 300 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирда Болгария ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Дилмурод ЭШМУРотов тайёрлади.

РЕКЛАМА



«СИНА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қуш-ёз кондиционерларини харид қилишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 18.
Тел.: 50-47-67.

«АВК»
хусусий фирмаси
мамлакатимизда
машхур бўлган
«КАВСАР»
булоқ сувини
харид қилишга
таклиф этади.

«ЗУККО» фирмасы ўқув маркази

Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган ўқишларга таклиф этади.

3 ойлик

Бичиш-тикиш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили. Бир ойга - 3500 сўм.
Инглиз тили (давом эйтирувчилар учун.) Бир ойга - 4000 сўм.
ТОЭФЛ. Бир ойга - 6000 сўм.
Акушерлик. Бир ойга - 4000 сўм.
Теле-радио усталари. Бир ойга - 3500 сўм.
Бухгалтерлик. Бир ойга - 3500 сўм.

2 ойлик

Хар хил торт, салатлар тайёрлаш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
Массаж (умумий.)
Бир ойга - 3500 сўм.
Ўй ҳамшираси.
Бир ойга - 3500 сўм.
Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларини тикиш.
Бир ойга - 4000 сўм.

1 ойлик

Тижорат ва озик-овқат дўконлари учун сотувчилар.
Бир ойга - 6000 сўм.

Ота-оналар диққатига

5, 6, 7 ёшли болаларга инглиз тили ўргатилади.
Бир ойга - 3500 сўм.

Замонавий ва
ишбилармон, оқила
ва назардан,
саронжом-
сарини
бўлишингизда
«ЗУККО»
Сизнинг энг яқин
кўмакчингиздир!

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАНЗИЛ: Метронинг «Тинчлик» бекати. «Азиза Сайфи қизи» ательесининг ичида. «Адиас» дўкони ёнида. Тел.: 42-36-71.

«АССА»

ДУКОНИ

«Мерседес», «Форд»,
«Волво», «ДЭУ»,
«Опел», «Ауди»,
«Нексия», «Тико»
ва «Дамас»
автомобиллари
учун ахтиёт
қисмларни энг
арзон нархларда
харид қилишга
таклиф қилади.

ҲАҚ ТУЛАШ — Сиз истаган усул!

ФИЛИАЛЛАРИМИЗ:
Усмон Носир кўчаси,
20 - уй.
Тел: 55-42-88
«Фарход» бозори,
Автомарка.
Тел: 75-88-42

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Қаҳҳор кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72,

SARKOR

КОМПЬЮТЕР ВА
ПРИНТЕРЛАР,
ИНТЕРНЕТГА БОҒЛАНИШ

Тел.: 132 - 00 - 00

Истиқлолимиз
мангу
бўлсин!

«ПАЗИЗОД»
корхонаси жамоаси

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР!

«Тошкент дон қабул қилиш» ҳиссдорлик жамияти

Рифкат ФАЙЗУЛИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.